

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

253 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш
ва қабул қилиш қоидаларига қўшимчалар киритиш
тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мқ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) би-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

лан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Ибрагимова) ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2014 йил 1 июндан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 23 май,
138-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2014 йил 23 майдаги
138-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига киритилаётган қўшимчалар

1. 19-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган нормалар мавжудлиги бўйича ўрганилади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган масалалар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги юзасидан шубҳа пайдо бўлган тақдирда, вазирлик ва идоралар тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юбориши мумкин».

2. 100-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатиш-

ни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинган пайтдан эътиборан камида уч ой ўтгач кучга киритилади».

3. 126-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган расмий веб-сайтларда эълон қилинмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланади».